

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. К /Т.04.02  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАРМАНОВА НОДИРА ТАХИРОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМ АШЁСИ АСОСИДА  
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИНИ  
КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЁНДАШУВНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.09-Товарлар кимёси  
15.00.02-Фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Фарманова Нодира Тахировна**

Маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси асосида биологик фаол қўшимчалар номенклатурасини кенгайтириш учун илмий-методик ёндашувни ишлаб чиқиш..... 3

**Фарманова Нодира Тахировна**

Разработка научно-методических подходов к расширению номенклатуры биологически активных добавок на основе местного растительного сырья..... 29

**Farmanova Nodira Takhirovna**

Development of scientific and methodological approaches to expanding the nomenclatures of biologically active additives based on local plant raw materials ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 61

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. К /Т.04.02  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАРМАНОВА НОДИРА ТАХИРОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМ АШЁСИ АСОСИДА  
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИНИ  
КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЁНДАШУВНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.09-Товарлар кимёси  
15.00.02-Фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.А.DSc/K117 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.fkii.uz](http://www.fkii.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот тизим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Пулатова Лола Таирхановна техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қутлимуротова Шигора Хақимовна кимё фанлари доктори, доцент Тўхтаев Ҳаким Раҳманович фармацевтика фанлари доктори, профессор Мельникова Ольга Александровна фармацевтика фанлари доктори, профессор
Етафқи таъинловчи:	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» 03 соат 10<sup>00</sup> дақиқасида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: [info@fki.uz](mailto:info@fki.uz).)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида таъиниши мумкин (123 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» 03 кунни тарқатилди.  
(2022 йил «18» 03 дақиқасида 16 рақамли рости баённомаси).



Х.Л.Пулатов  
берувчи бир  
сенга раиси, к.ф.д.

Ф.Б.Игитов  
Илмий даражалар берувчи бир  
марталлик илмий кенгаш илмий  
котиби, PhD доцент

П.М.Магисубова  
Илмий даражалар берувчи бир  
марталлик илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, Т.ф.д.  
профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кейинги йилларда дунёда касалликни олдини олиш ва даволашнинг дори-дармонсиз усулларига қизиқиш ортиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, касалликларнинг асосий омили ижтимоий-иқтисодий шароит ва турмуш тарзидир. Касалликларнинг 80% и овқатланиш бузилиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Айни вақтда фармацевтика ва озиқ-овқат саноатининг катта қисмини биологик фаол қўшимчалар, яъни озиқ-овқат билан тўғридан-тўғри қабул қилиш ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига киритиш учун мўлжалланган биологик фаол моддалар мажмуаси ташкил этади. Янги самарали биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш ва жорий қилинишига қарамасдан, амалий тиббиёт ва фармацевтика маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи товарлар яратишни тақозо этади. Бу турли хил олиб келадиган кимёвий синфларга мансуб синтетик препаратлар қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар ва ножўя таъсирлар мавжудлиги билан боғлиқ. Биологик фаол қўшимчалар ҳамда дори воситаларининг хавфсизлиги ва чинлиги бўйича тавсия қилинаётган усуллар ва меъёрларни такомиллаштириш, уларни божхона экспертизасида қисқа вақт ичида идентификациялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда самарали биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва уларни сифатини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида ўт ҳайдовчи, гипогликемик ва диуретик биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини илмий асослаш учун адабиётлар таҳлилини ўтказиш; маҳаллий хом ашё асосида биологик фаол қўшимчаларнинг дастлабки таркибини асослаш ва ишлаб чиқиш; специфик фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини кимёвий ўрганиш ҳамда уларнинг миқдорини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада маҳаллий хом ашёлар асосида юқори сифатли, самарали биологик фаол қўшимчалар олиш ва уларни сифатини назорат қилиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «...фармацевтика саноатини тезкор ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларига арзон, самарали ва сифатли дори-дармон ва тиббий маҳсулотлар етказиб беришни яхшилаш учун...»<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ўт ҳайдовчи, гипогликемик ва диуретик таъсирга эга янги биологик фаол қўшимчалар технологиясини уларнинг кимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида илмий-методик ёндашувини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 17 июлдаги ПҚ-3137-сон «Аҳолини дори воситалари

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги № ПҚ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

ва тиббий воситалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Анъанавий тиббиёт соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий корхоналарда доривор ўсимликлар асосидаги дори воситалари ва биологик фаол кўшимчалар (БФҚ) ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ва VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосидаги биологик фаол кўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Bern University of Applied Sciences (Швейцария), Hanyang University (Корея), Kuwait University (Кувайт), University of Naples Federico II (Италия), Shahid Beheshti University of Medical Sciences (Эрон), Firat University (Туркия), Pharmasan Inc 525 A (Филлипин), Lactonova (Ҳиндистон), Nutrition and Health Research Center (АҚШ), Кемерово озиқ-овқат саноати технологик институти, И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Белгород Давлат миллий тадқиқот университети, Белгород онкологик диспансер (Россия Федерацияси), Гродно Давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Миллий фармацевтика университети (Украина), Қозоғистон-Россия тиббиёт университети, ал-Форобий номидаги Қозоғистон Давлат миллий университети (Қозоғистон) да олиб борилмоқда.

Ўсимлик хом ашёсига асосланган биологик фаол кўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида катор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ошқозон тизими касалликларини даволаш ва олдини олиш учун «Гастрофит» биологик фаол кўшимчаси (қора андиз, тангут ровочи, доривор занжабил, доривор зангвизорба) олинган (И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси); доривор ўсимликларнинг қуруқ экстрактлари (тиканли элеутерококк, туксиз қизилмия, доғли расторопша, оддий женьшень, тўқ қизил эхинацеа, пушти родиола, махсарсимон левзея ва тозаланган мумиё) асосида овқатга биологик фаол кўшимча таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган (Белгород Давлат

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тавсифи: <http://dissers.ru/1meditsina/razrabotka-standartizaciya-biologicheski-aktivnih-dobavok-pische-rekomenduemih-dlya-profilaktiki-zabolevaniy-pischevaritelnoy-sistemi-14-04-02.php>, <https://cyberleninka.ru/article/n/razrabotka-sostava-i-tehnologii-polucheniya-biologicheski-aktivnoy-dobavki-k-pische-na-osnove-lekarstvennyh-rasteniy/viewer>, <https://kaznmu.kz/press/wp-content/uploads5.pdf>. ва бошқа ҳаволалар.

Миллий тадқиқот университети, Россия Федерацияси); шиттаки кўшиқоринининг хоссалари ва аҳамияти аниқланиб, унинг асосида «ImmunoStar» биологик фаол кўшимча олинган (Қозоғистон-Россия тиббиёт университети, ал-Форобий Қозоғистон Миллий университети, Қозоғистон).

Дунёда ўсимлик хом ашёсига асосланган самарали хавфсиз биологик фаол кўшимчалар яратиш бўйича қатор, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан сийдик йўли, қандли диабет ва жигар касалликларини даволашда ишлатиладиган ўсимлик моддалари ва фитокомпозициялар асосида импортни ўрнини босувчи терапевтик самарали биологик фаол кўшимчани ишлаб чиқиш; лаборатория ва саноат шароитида сезгир сифат назорати усулларида фойдаланиш; БФҚ биологик фаол моддаларини идентификация қилиш учун замонавий усуллардан фойдаланиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида «доривор овқат» ва «озик-овқат дорилари» тилга олинган. У.М.Азизов, Ф.Ф.Ўрмонова, Х.М.Комилов, И.Р.Асқаров, Ш.Ф.Искандарова каби олимларимиз ўсимлик хом ашёсига асосланган биологик фаол кўшимчаларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Хорижий олимлардан А.С.Белоусова, В.В.Уйба, А.А.Маркарян, Я.В.Пешкова, Р.Г.Оганов, Н.Г.Киселева, И.В.Гаммель, О.А. Вржесинская, Н.А.Бекетова, В.А.Никитина, О.Т.Переверзева, В.М.Позняковский, А.С.Булдаков, М.В.Шестакова, В.Г.Беспалов, В.Б.Некрасова, Н.С.Слободская, О.Ф.Фазуллина, И.В. Спичак, М. И. Лындина, А.К.Иорданишвили, Г.Э. Естемиров, Ю.А.Харченко, Govind Shukla, Sangita Kumari, Anna Victoria, Zamora Maguddayao, Shivani Prashar, Sampath Kumar, T.Bayers, Fei Long, J.Frances ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари маълум. Улар БФҚни аҳамияти, ишлатилиши, олиш технологиясини ўрганишган. Улар томонидан бир қатор касалликларни даволаш ва олдини олиш тавсия қилинган ўсимлик хом ашёси ва қуруқ экстрактлари асосида биологик фаол кўшимчалар таркиблари ишлаб чиқилган.

Ушбу диссертация иши «Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» (фитокомпозиция ва қуруқ экстракт) ва «Avena-uz» (капсулалар) биологик фаол кўшимчаларини технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Озик-овқат ишлаб чиқариш технологияси», «Кимёвий ва озик-овқат технологиясининг экологик муаммоларини ечиш», Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш» илмий-тадқиқот ишлари режаларига ҳамда АДСС-34 «Ипак қурти пилласи, оқ тут барги, стевия барги, оддий сачратки ер устки қисми ва илдизи асосида яллиғланишга қарши,

гипогликемик, диуретик ва қон тўхтатувчи таъсирга эга перорал ва аппликацион дори турларини технологиясини яратиш ва уларни стандартлаш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўт ҳайдовчи, гипогликемик ва диуретик таъсирга эга янги биологик фаол қўшимчалар технологиясини уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш асосида илмий-методик ёндашувини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида ўт ҳайдовчи, гипогликемик ва диуретик биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини илмий асослаш учун адабиётлар таҳлилини ўтказиш;

маҳаллий хом ашё асосида биологик фаол қўшимчаларнинг дастлабки таркибини асослаш ва ишлаб чиқиш;

специфик фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини кимёвий ўрганиш ҳамда уларнинг миқдорини аниқлаш;

доминант компонент асосида ўрганилаётган биологик фаол қўшимчаларнинг чинлик ва сифатини илмий асосланган кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш ҳамда тажрибавий равишда сақланиш муддатларини белгилаш;

биологик фаол қўшимчалардан қуруқ экстрактлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва экстракция жараёнларига таъсир этувчи асосий омилларни ўрганиш;

олинган қуруқ экстрактларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, уларнинг чинлик ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

қуруқ экстрактларнинг сақлаш мумкин бўлган муддатларини аниқлаш;

биологик фаол қўшимчалар ва улар асосида қуруқ экстрактларнинг тиббий-биологик хоссаларини ўрганиш;

тавсия қилинаётган овқатга биологик фаол қўшимчалар учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш: техник шартлар (ТС), технологик йўриқнома (ТИ) ҳамда уларни саноатга жорий этиш мақсадида рецептурани ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» (фитойиғмалар ва қуруқ экстрактлар) ҳамда «Avena-uz» (капсула) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** биологик фаол қўшимчаларнинг таркибини ишлаб чиқиш, уларни кимёвий ва товаршунослик тадқиқотлари, улар асосида қуруқ экстрактлар олиш технологиясини яратиш, олинган қуруқ экстрактларни стандартлаш, тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда технологик, спектрофотометрик, хроматографик (ҚХ, ЮҚХ, ГСХ, ЮССХ), физик-кимёвий, аналитик ва бошқа таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пешоб йўллари ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари учун тавсия этилган «Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» ва



«Avena-uz» биологик фаол қўшимчаларнинг рационал таркиби илмий асосланган ва ишлаб чиқилган;

макро- ва микроскопик тадқиқотлар асосида фитойиғмаларнинг ўзига хос диагностик аҳамияли белгилари белгиланган ҳамда сонли кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор биологик фаол қўшимчалар ва улар асосидаги курук экстрактларнинг таъсир этувчи моддаларининг кимёвий табиати ва миқдори аниқланган;

фитокомпозициялардан курук экстрактлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган ва экстракция шароитларининг ҳароратга, хомашёнинг майдаланиш даражасига, экстрагентнинг турига, хомашё ва экстрагентнинг нисбатига боғлиқлиги аниқланган;

фитокомпозициялар курук экстрактларининг сифат кўрсаткичлари ва сақланиш муддатлари белгиланган;

биологик фаол қўшимчалар ва улар асосидаги курук экстрактларнинг зарарсизлиги ва фармакологик фаоллиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» биологик фаол қўшимчаларининг чинлик сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

«Avena-uz» капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқиш технологияси яратилган ва сифат назорати мезонлари ишлаб чиқилган;

«Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» фитокомпозициялар асосида курук экстрактлар олиш технологиялари яратилган;

йиғмалар асосидаги курук экстрактларнинг сифат мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий математик, кимёвий, технологик, физик-кимёвий, фармакогностик ва тиббий-биологик тадқиқот усуллари асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биологик фаол қўшимчалар «Avena-uz» ва «Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» фитойиғмаларнинг курук экстрактларини оптимал технологиясини ишлаб чиқишга мажмуавий илмий-услубий ёндашув ҳамда ички ва ташқи бозорларда янги рақобатбардош импортни ўрнини босувчи БФҚ яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти МЧЖ «Novo farm komplet» ва «Halsica» ходимлари билан биргаликда олиб борилган тадқиқотлар натижасида «Avena-uz» биологик фаол қўшимчаси ва дастлабки хом ашёси учун тасдиқланган меъёрий хужжатлар ушбу хом ашё ҳамда БФҚни республикамызда саноат миқёсида ишлаб чиқаришга, шунингдек «Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» учун ишлаб чиқилган

мезонлар ва улардан куруқ экстрактлар олиш технологиялари диуретик ва гипогликемик биологик фаол қўшимчалар номенклатурасини кенгайтиришга ва импортни ўрнини босишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Биологик фаол қўшимчалар ва улар асосида куруқ экстрактлар турларини кенгайтириш бўйича илмий-услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Avena-uz» биологик фаол қўшимча хомашёси учун «Novo farm komplekt» МЧЖ ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган вақтинча фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (ВФМ 42 Уз-4274-2021, рўйхатдан ўтказиш рақами ДВ/М 037984/21). Ушбу тасдиқланган ҳужжат хомашёни ишлаб чиқиш ва сифат назорати қилиш имконини беради;

«Avena-uz» биологик фаол қўшимчаси учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан тасдиқланган (TS 23650019-003-2020). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

«Avena-uz» биологик фаол қўшимчасининг технологик йўриқномаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан тасдиқланган (ТИ 23650019-003-2020). Натижада, «Halsica» хусусий корхонасида капсула шаклидаги «Avena-uz» БФҚни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган ва тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар биологик фаол қўшимчаларни номенклатурасини кенгайтириш имконини берган;

маҳсулотларни сифатини назорати ва халқаро стандартларни қўллашга доир маълумотлар ва хулосалар асосида «Товарлар сифатини назорат қилиш ва халқаро стандартларни қўллаш» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва Божхона институти ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-буйруғи, нашр рухсатномаси, №110-334). Натижада, маҳсулотларни даврий сифатини назорат қилиш ва сертификатлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори (DSc) даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола (республика 8 та ва хорижий журналларда 3 та) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 210 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўтказилган тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослигини кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаларини белгилаб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

**«Ўсимлик хом ашёсига асосидаги ўт ҳайдовчи, диуретик, гипогликемик биологик фаол қўшимчаларни яратишнинг ҳозирги ҳолати»** деб номланган диссертациясининг биринчи бобида фармакотерапияда биологик фаол қўшимчаларнинг ўрнини ўз ичига олган адабиётлар шарҳини, ўт ҳайдовчи, диуретик ва гипогликемик таъсирга эга биологик фаол қўшимчалар номенклатурасининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, шунингдек ўрганилган биологик фаол қўшимчаларнинг самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар акс этган.

Диссертациянинг **«Материаллар ва усуллар»** иккинчи бобида янги биологик фаол қўшимчалар таркиблари, дастлабки ўсимлик хомашёларни кимёвий таркиби ва ишлатилиши, уларнинг меъёрий ҳужжатларга мослиги, биологик фаол қўшимчаларни тайёрлаш технологияси, кимёвий таҳлил учун асбоб-ускуналар ҳамда тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

Учинчи боб **«Биологик фаол қўшимчаларнинг кимёвий таркибини ўрганиш»** га бағишланган бўлиб, хусусан ўрганилаётган объектларнинг асосий таъсир қилувчи гуруҳларини аниқлаш, идентификация қилиш ва миқдорий аниқлаш ҳақидаги маълумотлар берилган.

Биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини аниқлаш маълум бўлган сифат реакциялар, қоғоз ва юпқа қатламли хроматография усуллари ёрдамида амалга оширилди. Сувли, гексанли ва спиртли экстрактларидан фойдаланиб сифат реакциялар ўтказилди. 1:10 нисбатдаги сувли ажратмаларда углеводлар, ошловчи моддалар, сапонинлар (0,9% натрий хлорид эритмаси), сувда эрийдиган витаминлар, аминокислоталар, органик кислоталар, антрацен унумлари (ишқорий эритма) ва азотли бирикмалар (кислотали эритма) борлиги ўрганилди. Эфир мойи ГФ XI да келтирилган I - усул бўйича аниқланди. 95% этил спиртида тайёрланган спиртли ажратмалар (1:5) флавоноидлар, кумаринлар ва фенолкарбон кислоталарни аниқлаш учун текширилди. Гексанли ажратмалар (1:10) стероидлар, каротиноидлар ва витамин K<sub>1</sub> ни аниқлаш учун фойдаланилди. Ўрганилган намуналарнинг биологик фаол бирикмалари мавжудлигини тасдиқловчи тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

## Ўрганилаётган объектларнинг кимёвий компонентлари

Аниқланган гуруҳлар		Таҳлил натижалари			
		«Урологик йиғма»	«Нефролитик йиғма»	«Гипогликемик йиғма»	«Avena-uz»
Углеводлар	эркин қандлар	глюкоза, мальтоза, фруктоза, сахароза, ксилоза	глюкоза, мальтоза, ксилоза, галактоза	глюкоза, мальтоза, фруктоза, сахароза	глюкоза, фруктоза, сахароза, арабиноза
	сувда эрувчи полисахаридлар (моносахарид таркиби)	арабиноза, глюкоза, ксилоза	мальтоза, галактоза, ксилозу	галактоза, глюкоза, арабиноза, галактоурон кислота, ксилоза	L-арабиноза, D-глюкоза, D-ксилоза
Витаминлар	аскорбин кислотаси	+	+	+	+
	каротиноидлар	α-каротин, β-каротин, нео-β-каротин	α-каротин, β-каротин	α-каротин	α-каротин, β-каротин
Органик кислоталар		лимон, олма, оксалат	лимон, олма, вино	лимон, олма, оксалат, қахрабо	лимон, олма
Флавоноидлар		рутин, кверцетин, гиперозид, цинарозид лютеолин	изокверцетрин, кверцетин, лютеолин	рутин, кверцетин, гиперозид	лютеолин, рутин
Фенолкарбон кислотлар		протокатех, қахва, хлороген	қахва, хлороген	бензой, галлат, салицил	қахва, хлороген
Кумаринлар		умбеллиферон, скополетин, эскулетин	умбеллиферон, скополетин, эскулетин, дигидрокумарин	скополетин	-
Ошловчи моддалар		пирокатехин, пирогаллол	пирокатехин, пирогаллол	пирокатехин, пирогаллол	пирогаллол
Эфир мойлари		+	+	э.м.излари	э.м.излари
Антрацен унулари		+	+	-	-
Сапонинлар		тритерпен (глицирризин кислотаси)	тритерпен	тритерпен	-

1-жадвалда берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилган намуналарда уларнинг дастлабки хом ашёга хос биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари мавжуд. Шунингдек, аниқланган кимёвий моддаларнинг миқдорий таҳлили ҳам ўтказилди, уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

## Ўрганилаётган объектлар биологик фаол моддаларининг миқдори

Биологик фаол моддалар	Қуруқ массага нисбатан % миқдори
------------------------	----------------------------------

	«Урологик йиғма»	«Нефролитик йиғма»	«Гипогликемик йиғма»	«Avena-uz»
Углеводлар: моносахаридлар	2,49	3,1	5,35	6,75
Сувда эрувчи полисахаридлар	5,2	3,3	9,3	17,0
Витаминлар: аскорбин кислотаси, мг%	90,0	11,0	110	0,09
каротиноидлар, мг%	2,3	4,2	3,3	1,1
Органик кислотлар	1,2	2,69	1,68	1,34
Эфир мойи	1,2	0,45	э.м. излари	э.м. излари
Флавоноидлар	0,2	0,16	0,4	0,04
Кумаринлар	0,03	0,1	0,05	-
Фенолкарбон кислотлар	0,41	0,95	0,25	0,37
Ошловчи моддалар	5,3	4,4	4,5	2,5
Сапонинлар	3,89	1,15	-	-
Антрацен унумлари	0,1	1,39	-	-

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида ўрганилаётган намуналар -«Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма», «Гипогликемик йиғма» ва «Avena-uz» нинг кимёвий таркиби аниқланди. Олинган маълумотлардан ўрганилаётган намуналарни стандартлаштириш тизимини илмий асослаш учун фойдаланилди.

*Элементлар таркибни ўрганиш.* Ўрганилаётган БФҚларнинг микро-ва макроэлементлар миқдорини ИБП – МС АТ 7500 да қурилмасида (индуктив-боғланган плазма масс-спектрометрида) ИБП-масс спектрал таҳлил усули ёрдамида ўрганилди.

Таҳлил натижасида ўрганилаётган объектларнинг макро- ва микроэлемент таркиби аниқланди, уларнинг натижалари 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал

### Ўрганилаётган биологик фаол қўшимчаларнинг элемент таркиби (mg/kg)

№	Элемент номи	«Урологик йиғма»	«Нефролитик йиғма»	«Гипогликемик йиғма»	«Avena-uz»
1.	Кумуш, Ag	0,042	0,0256	-	0,035
2.	Бор, В	87,140	-	-	67,902
3.	Барий, Ва	5,028	0,0362	32	14,569
4.	Бериллий, Ве	0,017	0,0584	-	0,026
5.	Висмут, Вi	0,003	0,0415	-	0,004
6.	Кальций, Са	2690,661	8713,5421	5280	3182,840
7.	Хром, Сг	4,791	0,4075	12,0	5,850
8.	Мис, Сu	21,261	7,3174	15	4,490
9.	Темир, Fe	209,085	97,5993	1440	228,928
10.	Калий, К	34556,501	15311,521	960	32999,945
11.	Литий, Li	0,141	0,2548	-	0,566
12.	Магний, Mg	5699,390	1770,134	1520	4529,635
13.	Натрий, Na	336,819	2635,3142	960	1928,849
14.	Марганец, Mn	43,588	2,2435	-	49,621
15.	Никель, Ni	12,526	0,0986	-	4,603
16.	Рубидий, Rb	2,934	0,00451	-	10,299
17.	Селен, Se	0,345	3,1254	-	0,439
18.	Стронций, Sr	22,674	0,0398	40	26,974

19.	Галлий, Tl	0,001	0,0051	-	0,003
20.	Ванадий, V	0,114	1,4169	-	0,638
21.	Рух, Zn	61,121	27,5071	42	18,491
22.	Кремний, Si	293,464	-	-	3059,995
23.	Кўрғошин, Pb	0,0540	0,0067	0,58	0,069
24.	Фосфор, P	15252,730	142,4512	154	6383,301
25.	Олтингугурт, S	638,334	-	-	572,558
26.	Кобальт, Co	0,596	-	-	0,179
27.	Галлий, Ga	0,534	-	-	1,667
28.	Германий, Ge	0,005	-	-	0,010
29.	Мишьяк, As	0,229	-	0,38	0,301
30.	Цирконий, Zr	0,203	-	-	1,415
31.	Ниобий, Nb	0,006	-	-	0,010
32.	Молибден, Mo	31,489	-	-	0,430
33.	Кадмий, Cd	0,102	-	-	0,020
34.	Қалай, Sn	3,111	-	-	2,610
35.	Сурьма, Sb	0,032	-	1,01	0,048
36.	Цезий, Cs	0,004	-	-	0,026
37.	Вольфрам, W	0,018	-	-	0,019
38.	Рений, Re	0,001	-	-	0,001
39.	Симоб, Hg	0,036	-	0,05	0,182
40.	Титан, Ti	389,627	-	-	1,531
41.	Уран, U	0,019	-	-	1,019
42.	Алюминий, Al	40,298	154,6325	340	201,212
43.	Йод, I	-	-	8,8	-

3-жадвалдан кўриниб турибдики, «Гипогликемик йиғма» ва «Avena-uz» таркибида - 42 та, «Нефролитик йиғма» да - 23 та, «Урологик йиғма» да - 17 та ҳаётий зарур элементлар мавжуд бўлиб, улар асосий биологик фаол моддалар билан биргаликда организмга фойдали таъсир кўрсатади.

Тўртинчи «Йиғмалар ва капсулалар технологик кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда стандартлаш» бобида ўрганилаётган йиғма ва капсула кўринишидаги объектларни чинлик ва сифати тавсифларини ўрганиш натижалари ҳамда уларнинг мақбул яроқлилик муддати ҳақида маълумот берилган.

Йиғмалар ва капсулаларни стандартлаштириш уларни амалиётга ва саноат ишлаб чиқаришига жорий этишнинг ажралмас шартидир. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, ўрганилган намуналарни чинлик ва сифатини ифодаловчи сонли кўрсаткичлар аниқланди. Ўрганилаётган фитокомпозициялар намуналарининг чинлигини қуйидаги сонли кўрсаткичлар: ташқи кўриниши, анатомик-диагностик белгилари ва сифат реакциялари билан белгиланди.

Йиғмаларнинг сифати қуйидаги сонли кўрсаткичлар бўйича аниқланди: таъсир қилувчи моддаларнинг миқдорий таҳлили; намлиги; умумий кули ва 10% хлорид кислота эритмасида эримайдиган кулнинг миқдори; майдаланганлик даражаси ва ёт аралашмалари миқдори.

#### *Урологик йиғмани стандартлаш*

Ташқи кўриниши. Урологик йиғма тубульбаргли бўймодароннинг майдаланган барглари, поя ва гул банди қолдиқлари билан бутун гул

саватчалари ва алоҳида гуллари, гулбандли кийикўти гул тўпламлари ҳамда туксиз қизилмия илдизлари ва ер остки новдалари аралашмасидан иборат. Тубулғибаргли бўймодарон саватчалари кўп қаторли узунчоқ-тухумсимон шаклли, яшил-сарик рангли черепицасимон ўрама барглари ҳамда сарик тилсимон ва найчасимон гуллардан иборат. Гулбандли кийикўти барглари кулранг-яшил, туксиз ёки кам тукли, поялари бўлакчалари тўрт қиррали, кам тукли, кўпинча оч бинафша рангли бўлади. Туксиз қизилмия илдизи бўлакчари цилиндрсимон шаклли, ташқи томони оч сарикдан кўнғир-сарикқа қадар бўлиб, кам ҳолатларда пўкак қавати бўлади, синдирилганда оч сарик, толали бўлади. Ҳиди ўзига хос, хушбўй. Мазаси жуда ширин, бироз китикловчи.

Сифат реакциялари. Йиғманинг чинлигини аниқлаш учун фенол бирикмаларга энг характерли ва осон ўтказиладиган темир (III) хлорид билан комплекс бирикма ҳосил қилиш реакцияси таклиф этилди.

Миқдорий таҳлил. Полифенол (оксидланадиган) моддаларнинг миқдорий таҳлили официнал усул перманганометрик титрлаш билан аниқланди. Урологик йиғманинг полифенол (оксидланадиган) моддаларини миқдорини аниқлаш усулининг метрологик тавсифлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Урологик йиғма полифенол (оксидланадиган) моддаларини  
миқдорий аниқлаш усулининг метрологик тавсифлари**

$x$	$\bar{x}$	$S^2$	$S$	$P$	$t(pt)$	$\Delta x$	$\Delta \bar{x}$	$\varepsilon_1^{\%}$	$\varepsilon^{\%}$
5,5	5,26	0,25	0,063	95	2,78	0,1751	0,0781	3,3	1,4
4,9									
5,2									
5,5									
5,2									

Урологик йиғмадаги полифенол (оксидланадиган) моддалар миқдори 4,9 – 5,5% ни ташкил этди. Олинган маълумотлар асосида урологик йиғма полифенол (оксидланадиган) моддалар миқдори меъёри 4% дан кам бўлмаслиги керак, деб белгиланди.

Ўтказилган кимёвий ва товаршунослик таҳлили натижасида урологик йиғманинг сифатини белгиловчи сонли кўрсаткичлар меъёрлари белгиланди (5-жадвал).


## Урологик йиғманинг сонли кўрсаткичлари

Сонли кўрсаткич номлари	Меъёри
Полифенол (оксидланадиган) моддалар миқдори, %, дан кам бўлмаслиги керак	4
Намлиги, %, кўп бўлмаслиги керак	13
Умумий кули, %, кўп бўлмаслиги керак	7
10 % хлорид кислота эритмасида эримайдиган кули, %, кўп бўлмаслиги керак	1
Тешигининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган қисми, %, кўп бўлмаслиги керак	3
Тешигининг ўлчами 0,25 мм бўлган элакдан ўтадиган бўлакчалари, %, кўп бўлмаслиги керак	3
Органик аралашмалари, %, кўп бўлмаслиги керак	1
Минерал аралашмалари, %, кўп бўлмаслиги керак	1


*Гипогликемик йиғмани стандартлаш*

Оқ тут барглари учун меъерий хужжатнинг мавжуд эмаслиги туфайли, тадқиқотларнинг дастлабки босқичида ушбу хомашёни чинлиги ва сифати ўрганилди.

Ташқи кўриниши. *Бутун маҳсулот учун.* Барглари буйраксимон-тухумсимон ёки тухумсимон, кам ҳолларда узунчоқ-тухумсимон, кўпинча патсимон-беш бўлакчи ўки патсимон ажралган, асоси юраксимон бироз текис бўлмаган қиррали, учлари тумтоқ ёки қисқа учли усти кенг ёки силлиқ, пастки қисми томирлари ва бурчаклари тукли. Барг банди 2-3 см узунликда, ёш барглари тукли. Баргнинг устки қисми тўқ-яшил, пастки қисми очроқ рангли. Ҳиди кучсиз. Ўзига хос таъмга эга. *Майдаланган маҳсулот.* Тешигининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтадиган турли шаклдаги баргнинг бўлакчаларидан иборат. Ранги яшил, ҳиди кучсиз, таъми ўзига хос. Оқ тут хом ашёсининг микроморфологик хусусиятлари 1-3 расмларда келтирилган.




**1-расм.** А-Баргнинг юқори эпидермиси (X120)  
В-Баргнинг пастки эпидермиси  
У-устийце; ОХ-осма хужайралар.



**2-расм.** Баргнинг асосий томирининг узунасига кесими (x120)  
ТН-девори тешикли найлар; ЭН-флоэманинг элаксимон найчалари; П-паренхима; КЛ-колленхима.





3-расм. Баргининг томир атрофидаги кўндаланг кесими (X80)

К-кутикула; Э-эпидермис; КТ-козиксимон тўқима; БП-булутсимон тўқима паренхимаси; ЎТ-ўтказувчи тўқима; КС-ксилема; Ф-флоэма; Д-друзлар; ОТ-оддий туклар; БТ-бошчали туклар; У-устийце; КЛ-колленхима.

Сифат реакциялари. Оқ тут барглариинг ўзига хос фаоллиги полисахаридларга боғлиқ эканлиги тажрибада аниқланганлигини инобатга олиб ушбу гуруҳ табиий бирикмалар билан хом ашёни кимёвий стандартлаш амалга оширилди. Полисахаридларга маълум бўлган реакцияларни синаб кўргандан сўнг, хом ашёнинг чинлиги аниқлаш учун 95% этил спирти билан чўктириш реакциясини таклиф қилинди. Оқ тут хом ашёсининг бешта партиясида полисахаридларнинг миқдорий таҳлили гравиметрик усулда аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

**Оқ тут баргларида полисахаридларни миқдорий таҳлил  
усулининг метрологик тавсифи**

$x$	$\bar{x}$	$S^2$	$S$	$P, \%$	$t(pt)$	$\Delta x$	$\Delta \bar{x}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
11,6	11,8	0,0300	0,1732	95	2,78	0,2153	0,0963	1,82	0,82
11,8									
11,8									
11,9									
12,0									

Оқ тут баргларида полисахаридларнинг миқдори 11,6-12,0 % оралиғида эканлиги аниқланди. Олинган маълумотлар асосида полисахаридларнинг хом ашё таркибидаги меъёри 10% дан кам бўлмаслиги керак, деб белгиланди. 7-жадвалда оқ тут хом ашёсининг сифатини белгиловчи аниқланган сонли кўрсаткичларининг меъёрлари умумлаштирилган.

7-жадвал

**Оқ тут баргининг сонли кўрсаткичлари**

Сонли кўрсаткич номлари	Меъёри
Полисахаридлар миқдори, %, дан кам бўлмаслиги керак	10
Налиги, %, кўп бўлмаслиги керак	9
Умумий кули, %, кўп бўлмаслиги керак	7
10 % хлорид кислота эритмасида эримайдиган кули, %, кўп бўлмаслиги керак	3
Тешигининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган қисми, %, кўп бўлмаслиги керак	3
Тешигининг ўлчами 0,25 мм бўлган элакдан ўтадиган бўлакчалари, %, кўп бўлмаслиги керак	2
Органик аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	1
Минерал аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	0,5

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида тегишли меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлган оқ тут баргларининг чинлиги ва сифатининг илмий асосланган кўрсаткичлари белгиланди.

Изланишларнинг кейинги босқичида гипогликемик йиғмани стандартлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Ташқи кўриниши. Гипогликемик йиғма тешигининг ўлчами 7 мм бўлган элакдан ўтадиган майдаланган оқ тут ва катта зубтурум барглари аралашмасидан иборат. Катта зубтурум барглари буралган, кенг тухумсимон ёки кенг эллипсимон, текис қиррали ёки бир оз тишли, 3-9 ёйсимон томирли, турли узунликдаги кенг барг бандига қараб торайган. Барглари буйраксимон-тухумсимон ёки тухумсимон, кам ҳолларда узунчоқ-тухумсимон, кўпинча патсимон-беш бўлакли ўки патсимон ажралган, асоси юраксимон бироз текис бўлмаган қиррали, учлари тумтоқ ёки қисқа учли усти кенг ёки силлик, пастки қисми томирлари ва бурчаклари тукли. Барг банди 2-3 см узунликда, ёш барглари тукли. Баргнинг устки қисми тўқ-яшил, пастки қисми очроқ рангли. Кучсиз ҳидли. Таъми ўзига хос, бироз кучсиз аччиқ.

Сифат реакциялари. Йиғманинг чинлигини аниқлаш учун ҳам полисахаридларнинг 95% этил спирти билан чўктириш реакцияси таклиф этилди.

Миқдорий таҳлил. Гравиметрик усул билан аниқланган полисахаридларни миқдорий таҳлил натижалари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

**Гипогликемик йиғма полисахаридларини миқдорий таҳлил усулининг метрологик тавсифи**

$x$	$\bar{x}$	$S^2$	$S$	$P, \%$	$t(pt)$	$\Delta x$	$\Delta \bar{x}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
9,2	9,3	0,0275	0,1658	95	2,78	0,4610	0,216	4,95	2,32
9,3									
9,2									
9,4									
9,2									

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, фитокомпозицияда полисахаридларнинг миқдори 9,2-9,4% ни ташкил этди. Олинган маълумотлар асосида гипогликемик йиғма полисахаридлар миқдори 8% дан кам бўлмаслиги керак, деб белгиланди. 9-жадвалда гипогликемик йиғманинг сифатини белгиловчи сонли кўрсаткичлар меъёрлари келтирилган.

9-жадвал

**Гипогликемик йиғманинг сонли кўрсаткичлари**

Сонли кўрсаткич номлари	Меъёри
Полисахаридлар миқдори, %, дан кам бўлмаслиги керак	8
Налиги, %, кўп бўлмаслиги керак	10
Умумий кули, %, кўп бўлмаслиги керак	18
10 % хлорид кислота эритмасида эримайдиган кули, %, кўп бўлмаслиги керак	6
Тешигининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган қисми, %, кўп бўлмаслиги керак	2
Тешигининг ўлчами 0,25 мм бўлган элакдан ўтадиган бўлакчалари, %, кўп бўлмаслиги керак	1

Органик аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	1
Минерал аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	0,5

### Нефролитик йиғмани стандартлаш

Ташқи кўриниши. Нефролитик йиғма тешигининг ўлчами 7 мм бўлган элакдан ўтадиган майдаланган доривор тирноқгул гуллари, тубулғибаргли бўймодарон гулбанди қолдиқлари билан бутун гул саватчалари ҳамда алоҳида гуллари, дала қирқбўғимининг вегетатив, яшил новда-поялари ва редукцияланган барглари, бўёқдор рўян илдизпоя ва илдизлари бўлакчалари ва укроп меваси аралашмасидан иборат. Ҳиди ўзига хос кучсиз, хушбўй. Таъми ўзига хос, кучсиз-аччикроқ.

Сифат реакциялар. Йиғманинг чинлигини аниқлаш учун темир (Ш) хлорид билан комплекс бирикма ҳосил бўлиш реакцияси (полифенол моддалар) таклиф этилди.

Миқдорий таҳлил. Полифенол моддаларни титриметрик усул билан миқдорий аниқлаш натижалари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

### Нефролитик йиғма полифенол (оксидланадиган) моддаларини миқдорий таҳлил усулининг метрологик тавсифи

$x$	$\bar{x}$	$S^2$	$S$	$P, \%$	$t(pt)$	$\Delta x$	$\Delta \bar{x}$	$\varepsilon_1^{\%}$	$\varepsilon \%$
5,3	5,4	0,015	0,1225	95	2,78	0,3405	0,1520	6,4	2,8
5,4									
5,6									
5,5									
5,4									

Нефролитик йиғма таркибида полифенол (оксидланадиган) моддалар миқдори 5,3 – 5,6% оралиғида бўлиши аниқланди. Олинган маълумотлар асосида нефролитик йиғмани полифенол (оксидланадиган) моддалар миқдори 4% дан кам бўлмаслиги керак, деб белгиланди. Нефролитик йиғмани сифатини тавсифловчи сонли кўрсаткичлар 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

### Нефролитик йиғманинг сонли кўрсаткичлари

Сонли кўрсаткич номлари	Меъери
Полифенол (оксидланадиган) моддалар миқдори, %, дан кам бўлмаслиги керак	4
Налиги, %, кўп бўлмаслиги керак	12
Умумий кули, %, кўп бўлмаслиги керак	15
10 % хлорид кислота эритмасида эримайдиган кули, %, кўп бўлмаслиги керак	2
Тешигининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган қисми, %, кўп бўлмаслиги керак	2
Тешигининг ўлчами 0,25 мм бўлган элакдан ўтадиган бўлакчалари, %, кўп бўлмаслиги керак	1
Органик аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	1
Минерал аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	1

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлардан олинган маълумотлар тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилди.

*«Avena-uz» капсулаларини стандартлаш*

Таҳлил қилинаётган «Avena-uz» капсулалари «Капсулалар» (ДФ XI) мақоласига биноан сифат кўрсаткичлари аниқланди: ташқи кўриниши, чинлиги, капсуланинг ўртача массаси ва капсулаланган массаси ҳамда бу кўрсаткичлардан четга чиқиши, парчаланиши, биологик фаол моддаларнинг миқдори. «Avena-uz» капсулаларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари 12-жадвалда кўрсатилган.

12-жадвал

**«Avena-uz» капсулаларини сифат кўрсаткичлари**

Аниқланаётган кўрсаткич	Меъёр
Ташқи кўриниши	00 ўлчамдаги қаттиқ желатина капсулалари, капсулаланган масса кўнғир рангда
Чинлиги	0,1 г капсулаланган массага 10 мл тозаланган сув солинди, аралаштирилди, филтрланди. 10 мл филтратга 30 мл 95% спирт эритмасидан кўшилади; қуюқ масса ҳосил бўлиши ва тинч қолдирилганда чўкмага тушиши керак.
Капсуланинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	0,495-0,510 ±10,0%
Капсулаланган массанинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	0,395-0,405 (±10,0%)
Парчаланиши	Капсулалар 20 дақиқа ичида парчаланиб кетиши керак
Миқдорий таҳлил	18% дан кам бўлмаслиги керак (полисахаридлар)
Микробиологик тозалик	1 г препаратда аэроб бактерияларнинг умумий сони 10 <sup>4</sup> дан, замбуруғлар 200дан, энтеробактериялар ва бошқа грамманфий бактериялар 100 дан ошмаслиги керак, Escherichia coli, Ps.aeruginosa, Staph. Aureus бўлмаслиги керак. 10 г капсулада Salmonella бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, ўсимлик экстрактлари асосидаги фитойиғмалар ва капсулаларнинг лаборатория технологияси ишлаб чиқилди ҳамда сифат кўрсаткичлари белгиланди.

Объектларни сақлаш вақтидаги турғунлигини уларни табиий сақлаш шароитида ўрганилди. Сақлаш давомида ўрганилаётган объектларнинг сифатини тавсифловчи сонли кўрсаткичлар 2,5 йил давомида сезиларли даражада ўзгармади. Шунинг учун уни тайёрлаш вақтидан бошлаб 2 йил давомида биологик фаол кўшимчалардан фойдаланиш тавсия этилади.

**«Урологик йиғма», «Гипогликемик йиғма», «Нефролитик йиғма» фитокомпозициялари қуруқ экстрактларини олиш технологияси ва уларни стандартлаш масалаларини ҳал қилиш»** деб номланган бешинчи боби фитокомпозициялардан қуруқ экстрактлар олиш технологияси ишлаб чиқиш, ҳарорат, хомашёни майдалик даражаси, экстрагент тури, хомашё ва экстрагент нисбатининг экстракция жараёнига таъсирини ўрганишга оид маълумотларини ўз ичига олади. Шунингдек, сифатини белгиловчи меъёрларни ва мақбул сақланиш муддатини аниқлаш натижалари келтирилган.

Изланишларнинг дастлабки босқичида куруқ экстрактлар олиш учун ўрганилаётган фитойиғмаларнинг экстракт моддалар унумини экстрагентга таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 13-жадвалда келтирилган.


13-жадвал

### Ўрганилаётган фитойиғмаларнинг экстракт моддалари унумини экстрагентга таъсири

Экстрагент	Экстракт моддалар, %		
	«Урологик йиғма»	«Гипогликемик йиғма»	«Нефролитик йиғма»
Тозаланган сув	22,58	22,31	13,1
30% этил спирти	21,18	16,16	12,4
50% этил спирти	20,58	17,83	21,8
70% этил спирти	18,02	18,04	10,1
96% этил спирти	15,03	18,26	11,9

13-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, «Урологик йиғма» ва «Гипогликемик йиғма» лари куруқ экстрактларини олиш учун тозаланган сув, «Нефролитик йиғма» куруқ экстракти учун эса 50% этил спиртидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи хом ашёни майдаланганлик даражаси таъсирини ўрганишга қаратилди. Бунинг учун ўрганилаётган объектлар қуйидаги заррача ўлчамларида майдаланди: 2-3 мм, 5-6 мм ва 7-8 мм. Куруқ экстрактлар олишда мацерация усулидан фойдаланилди, экстрагент сифатида 50% этил спирти («Нефролитик йиғма») ва тозаланган сув («Урологик йиғма» ва «Гипогликемик йиғма») ишлатилди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган.



4-расм. Экстракт моддалар унумига хом ашё майдаланганлик даражасини боғлиқлиги

А- «Урологик йиғма». В- «Гипогликемик йиғма».

С- «Нефролитик йиғма».

Диаграмма натижаларига биноан (4-расм), хом ашёни 2-3 мм майдалиқ даражасида экстракт моддаларнинг унуми кўп эканлиги кузатилди.

Маълумки, экстракция тезлиги ҳарорат омилига ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан, 20-40°C, 50-60°C, 70-80°C ва 90-100°C ҳарорат оралиғидаги экстракт моддалар чиқиш унуми ўрганилди, гидромодул 1:20, экстракция вақти - 2 соат. Ҳароратнинг ошиши экстракт моддалар унумини оширади, хусусан 70-80°C да хом ашёдан экстракт моддалар чиқиши паст ҳароратларга нисбатан тезроқ содир бўлади. Олинган маълумотлар 14-жадвалда кўрсатилган.

14-жадвал

### Экстракт моддалар унумига экстракция ҳароратининг боғлиқлиги

Ҳарорат, °С	Экстракт моддалар унуми, %		
	«Урологик йиғма»	«Гипогликемик йиғма»	«Нефролитик йиғма»
20-40	18,5	16,8	10,1
50-60	21,1	19,7	12,7
70-80	22,5	20,8	21,6
90-100	22,9	23,2	22,1

14-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ҳароратнинг ошиши мақсадга мувофиқ бўлмади, чунки экстракт моддалар унумининг сезиларли даражада ошишига олиб келмади ва кўшимча энергия сарфини талаб қилади. Шундай қилиб, экстракция пайтида оптимал ҳарорат  $t = 70-80^{\circ}\text{C}$  («Урологик йиғма», «Нефролитик йиғма») ва  $t = 90-100^{\circ}\text{C}$  («Гипогликемик йиғма») ҳисобланади.

Кейинги тадқиқотлар экстрактни олишнинг мақбул усулини аниқлашга қаратилди. Бунда мацерация ва реперколяция усулларида фойдаланилди. Мацерация ва реперколяция усулларида олинган ажратмаларда экстракт моддалар унуми аниқланди. Мақбул экстракция усулини аниқлаш бўйича олинган натижалар 15-жадвалда келтирилган.


15-жадвал

### Мацерация ва реперколяция усули билан олинган экстракт моддалар унуми

№	Олиш усули	Экстракт моддалар унуми, %		
		«Урологик йиғма»	«Гипогликемик йиғма»	«Нефролитик йиғма»
1.	Мацерация усули	22,7	23,7	21,8
2.	Реперколяция усули	21,9	20,2	20,9

Олинган натижаларга кўра, мацерация усулдан фойдаланилганда экстракт моддалар унуми юқори натижага эга эканлигини кўрсатди (22,7%, 23,7% ва 21,8%). Таҳлил маълумотларини ҳисобга олган ҳолда кейинги тадқиқотлар учун мацерация усули танланди.

